



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2022 yil « 14 » yanvar

№ 22

Toshkent sh.

### **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 24 февралдаги ПҚ–5006-сон қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини, ерларни муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш ҳамда ер тузиш тадбирларини ўтказиш тартибларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторингини Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимидаги давлат ер кадастрининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича ер турлари, майдони, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар тўғрисидаги маълумотлари асосида амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторингининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари, шунингдек, “Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторингини даврий, жорий ва тезкор мониторинг шаклларида амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторинги давомида олинган маълумотлардан қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланиш;

**б) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:**

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати республиканинг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган маълумотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш юзасидан сўровлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ўрганишлар ўтказиш учун асос бўлиши;

**в) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ:**

ер тузиш ишлари Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қарорларига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида мазкур тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар, буюртмачиларнинг маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши;

ер тузиш ишлари истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан бажариладиган ҳамда хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш ишлари шаклларида амалга оширилиши;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш (ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари) тўғрисидаги маълумотлар “Ўздаверлойиҳа” институтининг ер ахборот тизими порталида шакллантирилиши ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимига интеграция қилиниши;

**г) “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти геофазовий маълумотлар инфратузилмасини такомиллаштириш;

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий бўлинмаларида илмий-тадқиқот ишларини бажариш мақсадида ўқув-тажриба хўжаликларини ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва доимий кузатув мониторингини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, кейинчалик интеграция қилган ҳолда мунтазам равишда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер турлари ва майдони тўғрисидаги маълумотларни (ер эгалари, ердан фойдаланувчилари ва ижарачилари кесимида) электрон кўринишда ер ҳисоботи бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2000 йил 23 декабрдаги 496-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 79-модда) 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “14” январдаги 22 -сон қарорига  
1-илова

## **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**қишлоқ хўжалиги экинлари** – техник экинлар (ғўза, каноб, каннабис, тамаки, супурги), бошоқли дон экинлари (буғдой, арпа, маккажўхори дон учун, оқ жўхори, шоли, тарик, сули, жавдар), сабзавот (помидор, бодринг, пиёз, сабзи, карам, бақлажон, қалампир, саримсоқпиёз, ош лавлаги, турп, шолғом, кўкатлар), полиз (қовун, тарвуз, ошқовоқ), картошка, мойли экинлар (кунгабоқар, соя, ер ёнғоқ, кунжут, зиғир, масхар), дуккакли экинлар (нўхат, ловия, мош), озуқа экинлари (беда, маккажўхори силос учун, хашаки лавлаги, бир йиллик ўтлар (рапс, перко, тритикали, суданка), резавор экинлар (қулупнай, малина) ва бошқалар;

**қишлоқ хўжалиги экинлари мониторинги** – экинларни жойлаштириш кўрсаткичлари асосида қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонларни ўлчаш, шунингдек, экин майдонларида ўтказиладиган ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилиши юзасидан кузатув олиб бориш;

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мониторинги** – мулкчилик шаклидан қатъи назар, ер фондининг барча тоифаларидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда, жумладан, ҳайдаладиган экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар, шунингдек, уларга хизмат қилувчи бошқа ер турларининг (арик, зовур, йўл ва бошқалар) ҳолати бўйича кузатув тизими (фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари бундан мустасно);

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** – ер фондининг барча тоифаларидаги қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ушбу мақсадларга мўлжалланган ерлар (суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар эгаллаган ерлар).

3. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторинги мулкчилик шакли, ҳуқуқий режими, хусусияти ва фойдаланиш муддатларидан қатъи назар, ер фондининг барча тоифаларидаги қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ерларда амалга оширилади ва улар мониторинг объекти ҳисобланади.

4. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторинги Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимидаги давлат ер кадастрининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича ер турлари, майдони, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда – “Ўздаверлойиҳа” институти) ва унинг ҳудудий бўлинмалари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга оширишда ваколатли давлат органларидан ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, ер участкалари чегараси ҳамда ҳолати тўғрисидаги маълумотларни бепул асосида олади.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторинги ушбу ерларнинг тупроқ, геоботаника ва бошқа тадқиқотлар материалларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экинларни мониторинг қилиш орқали амалга оширилади.

7. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторинги Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари, шунингдек, “Ўздаверлойиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

8. Қуйидагилар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг турлари бўйича уларнинг майдони ва ушбу ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан мониторинг тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланилишини таъминлаш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўриш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли идораларни ахборот билан таъминлаш.

9. Қуйидагилар қишлоқ хўжалиги экинлари мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда экинларни жойлаштириш кўрсаткичлари асосида экинларнинг контурлар бўйича экилиши;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг қишлоқ хўжалиги экин майдонларида ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш.

10. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишлари даврийлиги бўйича қуйидагича амалга оширилади:

даврий мониторинг – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни турлари ва майдони бўйича ҳар беш йилда хатловдан ўтказиб бориш;

жорий мониторинг – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан ҳар йили мониторингни амалга ошириш;

тезкор мониторинг – қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши ва уларда ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан кунлик мониторингни амалга ошириш.

11. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишлари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда даврий мониторинг ишларини амалга ошириш тартиби**

12. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда даврий мониторинг (кейинги ўринларда – даврий мониторинг) ишлари қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

ирригация ва мелиорация тармоқларининг бузилиши оқибатида ҳолати ёмонлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерларнинг майдони ва ҳолатини аниқлаш;

фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига берилмаган, бўш турган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг майдони ва ҳолатини аниқлаш;

фойдаланишдан чиқиб кетган ва қайта фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг майдони ва ҳолатини аниқлаш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисида ахборот базасини яратиш.

13. Даврий мониторингдан олдин тайёргарлик ишлари жараёнида қуйидагилар ўрганилади:

туманнинг ёки ҳудуднинг ихтисослашуви;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва ердан фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар;

суғориладиган, шартли суғориладиган ва лалми экин ерларининг майдони ва ҳолати;

боғзор, токзор, тутзор ва бошқа мевали кўп йиллик дарахтзорлар, шунингдек, кўчатзорларнинг майдонлари ва ҳолати;

бўз ерлар, пичанзор ва яйловлардан фойдаланиш ҳолати;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мелиоратив ҳолати ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар, мелиоратив тадбирларни ўтказиш ҳолатлари ва ушбу ерларнинг сув билан таъминланганлиги;

фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига берилмаган, бўш турган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар майдони ва ҳолати;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш юзасидан ўтган даврдаги мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар.

14. Туманлар маъмурий-ҳудудий чегараси бўйича даврий мониторинг ишлари ҳар беш йилда бир марта “Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида), Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

15. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга оширишда қуйидаги картографик материаллар асос бўлади:

суғориладиган ва лалми зоналар учун – 1:10000, 1:25000 масштабдаги, кичик ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар учун 1:5000, 1:2000 масштабдаги;

чўл зоналари, тоғ ва тоғолди ҳудудлар учун – 1:25000, 1:50000, заруратга кўра 1:100000 масштабдаги картографик материаллар.

16. Тайёргарлик ишлари даврида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторинги бўйича қуйидаги ҳужжатлар тўпланади ва ўрганилади:

ер участкасига бўлган ҳуқуқни белгиловчи ва ер участкаларини ажратиш бўйича бошқа ҳужжатлар;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар майдони ва уларнинг электрон рақамли харитаси;

охирги йилларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ўтказилган хатлов ва мониторинг материаллари;

тупроқ, мелиоратив, геоботаник ва бошқа тадқиқотлар, шунингдек, хўжалик ички ва хўжаликлараро ер тузиш лойиҳа ҳужжатлари.

17. Дала кузатув ишлари даврида аниқланган ўзгаришлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер майдонлари картографик материалларида ҳамда “Ўздаверлойиха” институтида яратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг маълумотлар базасида қайд этилади.

18. Даврий мониторинг “Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари мутахассислари билан биргаликда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар (ёки уларнинг вакили) иштирокида жойига чиққан ҳолда амалга оширилади.

19. Даврий мониторинг натижалари асосида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар кесимида маълумотлар базаси шакллантирилади ва ер ҳисоботига нисбатан амалда фойдаланаётган ер майдонлари таққосланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш бўйича қисқача шарҳ берилади.

20. Даврий мониторинг жараёнида ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилмаган, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига берилмаган, бўш турган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари аниқланади.

Даврий мониторинг натижалари мониторинг яқунланган кунда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ҳамда ҳудудлар кесимида жамланади, мониторинг натижалари далолатнома асосида расмийлаштирилган ҳолда туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликларига тақдим этилади.

21. Мониторинг натижалари бўйича тузилган далолатнома беш иш куни ичида туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари томонидан кўриб чиқилади ва туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

22. Даврий мониторинг жараёнида ер тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузулиш ҳолатлари аниқланганда, тегишли маълумотлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи инспекторларга бир иш куни ичида тақдим этилади.

23. Даврий мониторинг натижалари бўйича икки нусхада йиғмажилд шакллантирилади. Йиғмажилднинг асл нусхаси ишни бажарувчи “Ўздаверлойиҳа” институти ҳудудий бўлинмасида, иккинчи нусхаси туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимида сақланади.

24. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишлари якуни бўйича ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер тури, контури, чегараси ҳақидаги барча маълумотлар ўн иш куни ичида “Ўздаверлойиҳа” институтининг ер ахборот тизими порталида шакллантирилади ҳамда ушбу маълумотлар ахборот-коммуникация технологиялари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилади.

### **3-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан жорий мониторингни амалга ошириш тартиби**

25. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан жорий мониторинг (кейинги ўринларда – жорий мониторинг) қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

фойдаланишда бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадига кўра самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ирригация ва мелиорация тармоқларининг бузилиши оқибатида ҳолати ёмонлашган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилаш чораларини кўриш;

фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш чораларини белгилаш;

фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига берилмаган, бўш турган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни очиқ электрон танловга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органига тақдим этиш чораларини кўриш.

26. Жорий мониторингдан олдин тайёргарлик ишлари жараёнида мазкур Низомнинг 13-бандида қайд этилган маълумотлар ўрганилади.

27. Жорий мониторинг туман маъмурий-ҳудудий чегараси бўйича “Ўздаверлойиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

28. Жорий мониторинг бўйича дала кузатув ишлари даврида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер участкалари чегараларида содир бўлган ўзгаришлар картографик материалларда қайд этилади.

29. Жорий мониторинг “Ўздаверлойиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассислари томонидан ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар (ёки уларнинг вакили) иштирокида жойига чиққан ҳолда амалга оширилади.

30. Жорий мониторинг натижаси бўйича ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мавжуд ер майдонларидаги ер турлари ўзгариши бўйича маълумотлар базаси янгиланади, шунингдек, тегишли масштабдаги картографик материаллар тайёрланади.

31. Жорий мониторинг асосида бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар тегишли топшириқларга асосан “Ўздаверлойиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

32. Жорий мониторинг асосида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар кесимида ер тури ва майдонлари бўйича маълумотлар, тегишли масштабдаги картографик материаллар ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг контурлар кесимида экилиши бўйича ўтказилган мониторинг натижалари туман (Қувасай шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади.

33. Жорий мониторинг жараёнида ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, маълумотлар “Ўздаверлойиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан бир иш кунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи давлат инспекторларига тақдим этилади.

34. Жорий мониторинг натижаларига кўра икки нусхада йиғмажилд шакллантирилади. Йиғмажилднинг асл нусхаси ишни бажарувчи “Ўздаверлойиҳа” институти ҳудудий бўлинмасида сақланади, бир нусхаси туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимига тақдим этилади.

35. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари бўйича мониторинг якунига кўра ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер тури, контури, чегараси ҳақидаги барча маълумотлар ўн иш куни ичида “Ўздаверлойиха” институтининг ер ахборот тизими порталида шакллантирилади ҳамда маълумотлар ахборот-коммуникация технологиялари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилади.

#### **4-боб. Қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши ва агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан тезкор мониторингни амалга ошириш тартиби**

36. Қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши ва уларда ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан тезкор мониторинг (кейинги ўринларда – тезкор мониторинг) қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда экинларни жойлаштириш кўрсаткичларига мувофиқ уларнинг контурлар бўйича тўлиқ ва сифатли экилишини таъминлаш;

экин майдонларида ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилишини ташкил этиш.

37. Тезкор мониторинг туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан экилган қишлоқ хўжалиги экинларини жойга чиққан ҳолда кунлик мониторинг орқали амалга оширилади.

38. Тезкор мониторинг жараёнида қуйидаги маълумотлар шакллантирилади:

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг фойдаланишида бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда жорий йил учун қишлоқ хўжалиги экинларини контурлар кесимида жойлаштириш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

“Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан белгиланган тартибда шартнома асосида ҳудудларнинг тегишли масштабдаги қишлоқ хўжалиги хариталари;

Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалларидан ер майдонларининг контурлар бўйича ҳисоблаш қайдномаси ва фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига берилмаган, бўш турган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги маълумотлар.

Қишлоқ хўжалиги экинларини экиш мавсумига кўра тўлиқ экиб тугаллангандан сўнг туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан тезкор мониторинг натижасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар (ёки уларнинг вакили) иштирокида мониторинг далолатномаси тузилади.

39. Кунлик мониторинг натижалари бўйича маълумотлар Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва “Ўздаверлойиха” институтининг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этилади.

40. Тезкор мониторинг туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари томонидан Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан, манфаатдор ташкилотлар ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Тезкор мониторинг жойлаштириш кўрсаткичларига киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда экилган барча экин майдонларида амалга оширилади.

41. Қишлоқ хўжалиги экинларининг тўлиқ экилганлиги тўғрисидаги маълумотлар экинларни жойлаштириш кўрсаткичларига таққосланади, шунингдек, ҳудуднинг тегишли масштабдаги қишлоқ хўжалиги харитасига яқуний мониторинг маълумотлари шакллантирилади.

42. Тезкор мониторинг жараёнида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичларига нисбатан тўлиқ экмаслик, ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилишини таъминламаслик ёки кечиктириш, шунингдек, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузулиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, тегишли маълумотлар бир иш куни ичида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи инспекторларга тақдим этилади.

43. Тезкор мониторинг натижаси бўйича бир нусхада йиғмажилд шакллантирилиб, туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимида сақланади.

44. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда экинларнинг тўлиқ экилиши юзасидан тезкор мониторинг маълумотлари ўн иш куни ичида “Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ер ахборот тизими порталида шакллантирилади.

#### **5-боб. Мониторинг материалларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби**

45. Мониторинг натижаси бўйича олинган барча маълумотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи давлат инспекторларига ҳамда тегишли ташкилотларга тақдим этилиши мумкин.

46. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш давомида олинган маълумотлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилади.

47. “Ўздаверлойиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари мониторинг маълумотларининг белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди.

#### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

48. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

49. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган муносабатлар қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар  
ва экин майдонларида мониторинг ишларини  
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида  
мониторинг ишларини амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари, шунингдек, “Ўздаверлойиҳа” институту ва унинг ҳудудий бўлинмалари	1. Давлат органларидан ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ер участкалари чегараси ҳамда ҳолати тўғрисидаги маълумотларни бепул олади. 2. Мониторинг ишларини ерларнинг тупроқ, геоботаника ва бошқа тадқиқотлар материалларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади.	Доимий равишда
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари, шунингдек, “Ўздаверлойиҳа” институту ва унинг ҳудудий бўлинмалари	Мониторинг ишларини даврийлиги бўйича амалга оширади: а) даврий мониторинг – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер турлари ва майдони бўйича хатловдан ўтказиб бориш; б) жорий мониторинг – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан мониторингни амалга ошириш; в) тезкор мониторинг – қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши ва агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан кунлик мониторингни амалга ошириш.	Ҳар беш йилда Ҳар йили Доимий равишда
3-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институту ва унинг ҳудудий бўлинмалари	1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини даврийлиги бўйича амалга оширади. 2. Мониторинг натижаларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва ҳудудлар кесимида жамлайди, мониторинг натижаларини далолатнома асосида расмийлаштирган ҳолда туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликларига тақдим этади.	Доимий равишда Мониторинг яқунланган кунда

4-босқич	Туман (Кувасой шаҳар) ҳокимликлари	Мониторинг натижалари бўйича тузилган далолатномани туман (Кувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди.	Беш иш куни ичида
5-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг худудий бўлинмалари	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Мониторинг якуни бўйича ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер тури, контури, чегараси ҳақидаги барча маълумотларни “Ўздаверлойиҳа” институтининг ер ахборот тизими порталида шакллантирилади.</li><li>2. Мониторинг якунлари бўйича шакллантирилган маълумотларни Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритади.</li></ol>	Ўн иш куни ичида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “14” январдаги 22 – сон қарорига  
2-илова

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича  
давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш** – ер участкаларидан ажратиб бериш ҳужжатларида белгиланган мақсад бўйича фойдаланиш;

**ер участкаларидан самарали фойдаланиш** – ер участкасининг маълум қисмидан атроф муҳит муҳофазасини таъминлаган ҳолда, тупроқ унумдорлигини сақлаб ёки ошириб, шу ер участкасида маҳсулотни етиштириш учун сарфланган сарф-харажатлар нархидан кўп бўлган ҳажмда маҳсулот етиштириш;

**ер участкаларидан хўжасизларча фойдаланиш** – берилган ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни муҳофаза қилиш бўйича зарур бўлган тадбирларни амалга оширмасдан, хўжалик фаолиятини юритиш натижасида мазкур ер майдонларида тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган сув ва шамол эрозиясидан, шунингдек, тупроқ қатлами унумдорлигининг пасайиши ва (ёки) муомаладан чиқиши оқибатида ерлардан белгиланган мақсад бўйича фойдаланиш ёки самарали фойдаланиш имкони бўлмайдиган ҳолатга келадиган усулларда фойдаланиш;

**ер участкаларидан оқилона фойдаланиш** – ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ерларни муҳофаза қилиш ва табиий-иктисодий шароитлар мақбул бўлган ўзаро таъсири ва мазкур ҳудуднинг хусусиятларини инобатга олиб, ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришиши;

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** – ерларнинг тоифасидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ушбу мақсадларга мўлжалланган ер турлари (суғориладиган ва лалми экин майдонлари, ҳайдалидаган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар эгаллаган ерлар);

**тақдимнома** – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида қонун бузилишни бартараф этиш ваколатга эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритиладиган ҳужжат;

**Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси** – эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларсиз ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасининг чегараларидан четга чиққан ҳолда эгаллаб олинган ер участкаси.

3. Ушбу Низом талаблари мулкчилик шаклидан қаяти назар, барча давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларининг, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларига нисбатан татбиқ этилади.

4. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати республиканинг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан амалга оширилади.

5. Қуйидагилар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш объекти ҳисобланади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан қатъий белгиланган мақсадларда фойдаланиш;

тупроқ унумдор қатламларини рухсатсиз олиб ташлаш, кўчириш ва йўқ қилишни тақиқлаш ва ерларнинг ишдан чиқишига йўл қўймаслик;

ерларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан асоссиз бошқа тоифадаги ерларга ўтказилиши;

суғориладиган ерларга қишлоқ хўжалиги экинларини экмаслик;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ажратиш даврида олинган инвестиция шартларини бажармаслик;

ерларнинг сифат жиҳатидан ҳолатларини пасайтирувчи жараёнларнинг олдини олиш бўйича мажбурий тадбирлар ва талабларга риоя этиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тасарруф этиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бошқа фаолиятларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мажбурий фойдаланиш билан боғлиқ талабларга риоя этиш;

ерларни рекультивация қилиш доирасидаги талабларга риоя этилиши;

Ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарни ундириш.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари**

7. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

Вазирликнинг Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўлимлари.

8. Қуйидагилар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўйича давлат инспекторлари (кейинги ўринларда – давлат инспекторлари) ҳисобланади:

Вазирликнинг Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи ва мутахассислари;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўлимлари бошлиқлари, бўлим бошлиқларининг ўринбосарлари ва мутахассислари.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўлимлари бошлиқлари ва мутахассислари Вазирликнинг Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси бошлиғининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг ҳудудий ер тузувчилари Вазирликнинг Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси билан келишилган ҳолда, туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

10. Вазирликнинг ўз ваколати доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тўғрисида қабул қилган қарорлари барча давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

### **3-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати амалга оширувчи давлат органларининг вазифалари**

11. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилар юзасидан назоратни олиб боради:

а) Вазирлик:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирлар бажарилиши;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан қатъий белгиланган мақсадларда фойдаланиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги;

тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келадиган ҳаракатларни амалга оширилмаслик;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларини буталар ва майда дов-дарахтлар ўсишидан ҳамда ерларнинг техник ҳолати ёмонлашишига сабаб бўладиган бошқа жараёнлардан муҳофаза қилиш;

ер бузилиши билан боғлиқ ишларни бажаришда тупроқнинг унумдор қатламларини олиш, улардан мақсадли фойдаланилиши;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қурилиш ишлари ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ушбу ишлар тугаллангандан кейин белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилиши;

қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асоссиз бошқа тоифаларга ўтказиб юборилиши, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ноқишлоқ хўжалиги мақсадларида ажратилишига йўл қўймаслик;

б) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари:

ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар, оқова сувлар билан ифлосланмаслиги;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тақиқланган кимёвий воситалардан фойдаланмаслик.

12. Вазирлик қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш борасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш доирасида аниқланган ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши юзасидан материалларни тегишлилиги бўйича маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколати эга бўлган ваколатли органларга тақдим этиш;

давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлардан уларга тегишли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолатини (молиявий хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) мониторинг қилиб бориш, улардан зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материалларни бепул олиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати юзасидан ўтказиладиган текширувларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий қийматини ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш ишларини ташкил этишда ўрганишлар, шунингдек, экинларни хатловдан ўтказиш ва ўлчаш бўйича мониторинг ишларини амалга ошириш;

ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарни ҳисоблаш ва ундириш бўйича тегишли чоралар кўриш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолатини, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехник тадбирларни учувчисиз учуш аппаратлари (дронлар)дан белгиланган тартибда фойдаланган ҳолда, мониторинг қилиш мақсадида учувчисиз учуш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини бартараф этиш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга қаратилган, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича маблағларни ундириш чораларини кўриш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ноқишлоқ хўжалиги мақсадларида асоссиз ажратиш ҳолатлари юзасидан ер участкаларини қайтариш тўғрисида судга даъво киритиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун ташкилотларга тақдимномалар киритиш ва материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига тақдим этиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш тўғрисида тақдимномалар ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни унумдорлигининг пасайиш ҳолатлари ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маълумотлар киритиш.

Вазирлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **4-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби**

13. Қуйидагилар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ўрганиш ишларини бошлаш учун асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ёки ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирликнинг буйруқлари;

ўтказилган мониторингдан олинган маълумотлар (ҳисоботлар) таҳлили;  
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган маълумотлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш юзасидан сўровлари.

14. Ўрганиш ишлари белгиланган тартибда давлат аттестациясидан ўтган ҳамда тегишли махсус гувоҳномага эга бўлган давлат инспекторлари томонидан уч иш куни ичида амалга оширилади.

15. Давлат инспекторларига ўрганиш ўтказиш ишларини амалга ошириш учун худудга киришга тўсқинлик қилинган тақдирда, бу ҳақда ўрганиш ўтказилиши бошланган кунда давлат инспекторлари томонидан ўрганиш ишлари амалга ошириладиган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс иштирокида далолатнома тузилади ва улар томонидан имзоланади.

Давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс далолатномани имзолашдан бош тортиганда, бу ҳақда далолатномага қайд этиб кўйилади.

Бунда ўрганиш ишларини амалга оширишга тўсқинлик қилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахсни тегишли жавобгарликка тортиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чоралар кўрилади.

Ўрганишни ишларини амалга оширишга тўсқинлик қилган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши ўрганиш ишларини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

16. Ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан келиб тушган мурожаатлар бўйича зарур ҳолларда Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ўрганиш ишларини амалга ошириш учун тегишли ташкилотлардан икки иш куни ичида мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

Мутахассислар жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумот ўрганиш ишлари амалга оширилаётган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарига етказилиши лозим.

17. Ўрганиш ишлари яқунланган кунда давлат инспекторлари томонидан ўрганиш натижаси юзасидан мазкур Низомга 2-иловада келтирилган шаклда маълумотнома расмийлаштирилади.

18. Ўрганиш жараёнида ҳар бир масала тўлиқ ўрганилиши ва маълумотномада қайд этилиши лозим.

Ўрганишга асос бўлган масала бўйича камчилик аниқланмаганда, давлат инспектори томонидан бу ҳақда маълумотномада кўрсатилади.

19. Маълумотномада етарли даражада исботланмаган, асоссиз, тахминий хулосалар бўлмаслиги лозим. Агарда ўрганиш давомида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмаса, бу маълумотномада қайд этилади.

20. Ўрганиш ишлари яқунланган кунда икки нусхада маълумотнома тузилиб, уларнинг ҳар бири давлат инспектори, ўрганиш амалга оширилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари томонидан имзоланади ва бир нусхаси ўрганиш амалга оширилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектларда қолдирилади.

Ўрганиш ишлари амалга оширилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс маълумотномани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда ўрганиш бўйича давлат инспектори томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва маълумотномага илова қилинади. Бу ҳолатда маълумотноманинг бир нусхаси ўрганиш амалга оширилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектларга почта орқали хат билан юборилади.

21. Ўрганиш маълумотномаси имзоланиб, ўрганиш ишлари амалга оширилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектларга топширилган кун ўрганиш тугалланган кун деб ҳисобланади.

22. Давлат инспектори ўрганиш яқунлангандан сўнг барча ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантиради.

Йиғмажилдда:

ўрганиш давомида тузилган маълумотлар ва далолатномалар;

ўрганиш маълумотномасида акс этган қонун бузилиш ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар, уларга йўл қўйган айбдор шахсларнинг тушунтириш хатлари;

ўрганиш давомида аниқланган ҳолатларнинг фото суратлари;

жойнинг харитасидан кўчирма бўлади.

23. Давлат инспекторлари йиғмажилдни уч иш кунида Вазирликнинг Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўлимига тақдим этади.

24. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринбосари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари ва ўринбосарлари беш иш куни ичида ҳужжатларни кўриб чиқади ёки тегишлилиги бўйича маъмурий ишни кўриб чиқиш ваколатиги эга бўлган органларга юборади.

25. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

26. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиқлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қонун бузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида ўрганиш ишлари якуни бўйича беш иш куни ичида тақдимнома киритади.

Киритилган тақдимнома ўрганиш ишлари амалга оширилган барча давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиши ва натижаси тўғрисида Вазирлик ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларга маълум қилиниши шарт.

27. Давлат инспекторлари ҳужжатларни кўриб чиқиш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари, ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарлар бўйича ушбу зарарларни ундириш чораларини кўради.

#### **5-боб. Якунловчи қонда**

28. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга  
1-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари	1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини республиканинг бутун ҳудудида амалга оширади: а) тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда амалга ошириш; б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ўрганиш ишларини амалга ошириш.	Доимий равишда
2-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўйича давлат инспекторлари	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўйича ўрганиш ишларини бошлаш, бунда: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ёки Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буйруқлари; ўтказилган мониторингдан олинган маълумотлар таҳлили; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари; оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган маълумотлар; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш юзасидан сўровлари.	Уч иш куни ичида

3-босқич	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўйича давлат инспекторлари	Ўрганиш ишларини амалга ошириш учун тўсқинлик қилинган тақдирда, ўрганиш ишлари амалга ошириладиган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс иштирокида далолатнома тузади ва улар томонидан имзоланишини таъминлайди.	Заруратга кўра, ўрганиш бошланган кунда
4-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари	Ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан келиб тушган мурожаатлар бўйича тегишли ташкилотлардан мутахассисларни жалб қилади.	Заруратга кўра, икки иш куни ичида
5-босқич	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўйича давлат инспекторлари	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ўрганиш ишлари якуни бўйича икки нусхада маълумотнома расмийлаштиради.</li><li>2. Ўрганиш ишлари якуни бўйича барча ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантиради.</li><li>3. Йиғмажилдни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларга тақдим этади.</li></ol>	Ўрганиш яқунланган кунда Уч иш куни ичида
6-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринбосари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари ва ўринбосарлари	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ўрганиш натижалари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқади ёки тегишлилиги бўйича ишни кўриб чиқиш ваколати эга бўлган органларга юборади.</li><li>2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қонун бузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектларга тақдимнома киритади.</li></ol>	Беш иш куни ичида
7-босқич	Ўрганиш ишлари амалга оширилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар	Тақдимномани кўриб чиқади ва натижаси тўғрисида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларга маълум қилади.	Бир ой муддатда

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни  
муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини  
амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга  
2-илова

## МАЪЛУМОТНОМА

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

Ўрганиш ишлари амалга  
оширилган ташкилот: \_\_\_\_\_

Ўрганиш ишлари учун асос \_\_\_\_\_

Ўрганиш ишларини амалга  
оширувчилар Ф.И.О. ва  
лавозими \_\_\_\_\_

Ўрганиш ишлари амалга  
оширилган соҳа \_\_\_\_\_

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан  
мақсадли фойдаланиш юзасидан

Ўрганишда ишларида иштирок  
этган ташкилот ходими \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ га асосан “ \_\_\_\_\_ ”

\_\_\_\_\_ да қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадли фойдаланиш  
юзасидан ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Ўрганиш давомида \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ каби қонун талабларига амал қилинмаганлик ҳолатлари аниқланди.

### Ўрганиш ишлари натижаси бўйича қуйидагилар тавсия этилади:

Ушбу маълумотномада кўрсатиб ўтилган ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатлари ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ га \_\_\_\_\_ кун муддатда бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма берилди.

Маълумотномани туздик:

\_\_\_\_\_

Маълумотнома билан танишдим, эътирозларим \_\_\_\_\_ (бор ёки йўқ) ва бир нусха олдим:

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “14” январдаги 22 -сон қарорига  
3-илова

## Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишларини (кейинги ўринларда – ер тузиш ишлари) амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш ҳамда барча ерларни рўйхатга олиш ҳамда фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш йўналишларига татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ер тузиш ишлари объектлари** – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг турлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларининг ер участкалари;

**ер тузиш ҳужжатлари** – ер тузиш ишларини амалга ошириш натижасида расмийлаштирилган ҳужжатлар, ер ахборот тизими портали харитаси ва маълумотлари;

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш** – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, ушбу ерларни муҳофаза қилишни ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган тадбирлар тизими.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўриларда – Вазирлик) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишларини амалга оширишни тартибга солиш доирасида қуйидаги ваколатларга эга:

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг, шунингдек, “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда – “Ўздаверлойиҳа” институти) ва унинг худудий бўлинмаларининг ер тузиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

ер тузиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ

хўжалиги бўлимлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ер тузиш ишларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали ва оқилона фойдаланишни, ушбу ерларни муҳофаза қилишни ташкил этиш;

ер ахборот тизими порталини маълумотлар билан таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши, ривожланиши ва ҳосил тўпланиши ҳамда ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан мониторинг юритиш.

5. “Ўздаверлойиҳа” институти ер тузиш ишлари бўйича қуйидаги вазифаларини амалга оширади:

ер тузиш ишларини амалга ошириш;

ер тузиш лойиҳалари ва ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

ер тузиш бош чизмаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг харитаси (плани) ва тавсифини тайёрлаш, ердан фойдаланувчиларга ер участкаларини жойида ўлчаб бериш, унинг чегараларини белгилаш ва марза белгиларини ўрнатиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ва уларга экинлар экилишини хатловдан ўтказиш ишларини бажариш;

учувчисиз учуш аппаратлари ёрдамида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа идоралар, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар буюртмаларига кўра шартнома асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини юритиш, агротехник тадбирларни ўтказиш, ер тузиш ва ерларни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

ер тузиш ишларини амалга ошириш натижалари бўйича олинган маълумотлар асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни рақамлаштириш, ер ахборот тизими порталини яратиш ва доимий янгилаб боришни ташкил этиш.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишлари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишларини ташкил этиш тартиби**

7. Ер тузиш ишлари Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида мазкур тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар, буюртмачиларнинг маблағлари

ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер участкаларини бериш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, ерлар ҳолатини яхшилаш ва уларни муҳофаза қилиш, ушбу ерларда алмашлаб, навбатлаб экиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга оширишга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқилади.

9. Ер тузиш ишлари қуйидагиларга бўлинади:

истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаштириш олдидан амалга ошириладиган;

хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги.

10. Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаштириш олдидан амалга ошириладиган ер тузиш ишларига қуйидагилар киради:

республика бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича бош режаларни ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларда (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш режаларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш, ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ истиқболли режаларни, давлат дастурларини ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш.

11. Хўжаликлараро ер тузиш ишларига қуйидагилар киради:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда, ушбу ерлардан фойдаланувчиларнинг янги ер участкаларини ташкил этиш ва мавжуд ерлардан самарали фойдаланиш бўйича лойиҳаларини тузиш;

муҳофаза қилинадиган муҳандислик-коммуникация объектлари атрофида муҳофаза зоналарини, шунингдек, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария муҳофаза зоналарини белгилаш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ва уларга экинлар экилишини, шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиққан ерларни хатловдан ўтказиш ва қайта фойдаланишга киритиш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларни хатловдан ўтказиш ва уларни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

сув объектлари, суғориш тармоқлари ва зах қочириш тармоқларини ҳамда ижтимоий ва маданий иншоотлар, қурилиш бинолари каби объектларнинг буюртма асосида хариталарини тайёрлаш;

тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш, бузилган ерларни рекультивация қилиш;

тупроқни селлар, кўчкилар, сув босиши, захлаш, қақраб қолиш, зичлашишдан ва бошқа салбий таъсирга мойил ерларни сақлаш бўйича ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хатловдан ўтказиш орқали фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш;

яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқот ишларини ўтказиш;

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид тадбирларни ўтказиш.

12. Хўжалик ичидаги ер тузишга қуйидагилар киради:

қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳудудини хўжалик негизида белгилаб олиш;

қишлоқ хўжалиги экин турларини жойлаштириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган тарзда алмашлаб экишни жорий қилиш;

тупроқ эрозиясига қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

боғлар ва узумзорлар, яйлов ва пичанзорлар ҳудудларини ташкил қилиш;

мева ва ўрмон дарахтзорларини барпо этиш мақсадида тоғ ёнбағирларида террасалар (супалар) қуриш;

суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш.

13. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ўтказиладиган ер тузиш ишлари таркибида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа лойиҳалар ҳам ишлаб чиқиши мумкин.

14. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер участкасининг тасдиқланган чизмаси (плани) ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни ажралмас қисми ҳисобланиб, ер участкасининг тавсифини тайёрлаш, жойида чегараларини кўрсатиб бериш, агар қонунчиликда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан ер участкасини олувчининг маблағлари ҳисобидан “Ўздаверлоиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

15. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишлари (ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари) тўғрисидаги маълумотлар “Ўздаверлойиҳа” институтининг ер ахборот тизими порталида шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинади.

### **3-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишларини амалга ошириш тартиби**

16. Ер тузиш ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларини хатловдан ўтказиш;

яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар олиб бориш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини аниқлаш;

ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш;

ер тузиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш.

ер ахборот тизими порталини юритиш.

17. Ер тузишда:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга;

яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон қарори билан тасдиқланган Яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқот ишларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 689-сон қарори билан тасдиқланган Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш, яйловлар алмашинишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисида низомга;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини аниқлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ

хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 505-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 791-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

18. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш ва режалаштириш хўжаликлараро ва хўжалик ички ер тузиш лойиҳалари кўринишида қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

тайёргарлик ишлари;

дала-қидирув ишлари;

ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;

лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

лойиҳани жойига кўчириш;

ер тузиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига бериш;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан лойиҳанинг бажарилиши бўйича муаллифлик назоратини ўрнатиш.

19. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ер ахборот тизими техник талабларини ва техник топшириқларини ишлаб чиқиш ер ахборот тизими маълумотларини шакллантириш ва янгилаб бориш тартибида амалга оширилади.


#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

20. Ер тузиш ишлари жараёнида келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда  
ер тузиш ишларини амалга ошириш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишларини амалга ошириш  
СХЕМАСИ



1. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари, шунингдек, “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтининг ер тузиш соҳасидаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштиради.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари ер тузиш ишларини ташкил этади, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиради, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилишни ташкил этади, экинлар экилиши, ривожланиши ва агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан мониторинг юритади ва ер ахборот тизими порталини маълумотлар билан таъминлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар ер тузиш ишларини амалга ошириш учун “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтининг ер ахборот тизими портали билан таъминланади.

4. “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтининг ер ахборот тизими портали билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмалари асосида ер тузиш ишларини амалга оширади.

5. “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтининг ер ахборот тизими портали билан таъминланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш ишлари (ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари) тўғрисидаги маълумотларни “Ўздаверлойиха” институтининг ер ахборот тизими порталида шакллантирилади.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда амалга оширилган ер тузиш ишлари тўғрисидаги маълумотлар “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтининг ер ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “14” январдаги 22 -сон қарорига  
4-илова

**“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти фаолиятини  
самарали йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/Р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
1.	Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисидаги маълумотларини ер ахборот тизими порталида акс эттириш.	1.Худуднинг табиий иқлим шароити, жойлашуви, сув таъминоти, тупроқ унумдорлигидан келиб чиқиб, худудларнинг ихтисослашувини белгилаш ва экинларни жойлаштириш. 2. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тўғрисидаги ҳар йилги маълумотларни ер ахборот тизими порталига киритиш. 3. Қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши ва ривожланиш ҳолатини мониторинг қилиш натижаларини ер ахборот тизими порталига киритиб бориш. 4. Мониторинг натижаларини фойдаланувчиларга белгиланган тартибда ер ахборот тизими портали орқали тақдим этиш.	2022 йилдан бошлаб, доимий	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
2.	Яйлов ва пичанзорларда геоботаника тадқиқотларини ўтказиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш.	“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти билан қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш: 1. Фанлар академияси Ботаника институти билан яйлов ўсимликларининг тарқалиши бўйича; 2. Давлат экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси билан Қизил китобга киритилган ўсимликлар, яйловларнинг деградацияси ва унинг атроф муҳитга таъсирлари бўйича;	2022 йил I чорак, доимий	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси,

Т/Р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		<p>3. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси билан яйловларда чорва молларини алмашлаб боқиш бўйича;</p> <p>4. Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси билан ўрмон фонди яйловларида ўсимлик дунёсини ўрганиш ва яхшилаш бўйича;</p> <p>5. Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитаси билан уларнинг тасарруфидаги яйловларда ўсимлик дунёсини ўрганиш ва чорва молларини алмашлаб боқиш бўйича.</p>		<p>Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитаси</p>
3.	<p>“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти геофазовий маълумотлар инфратузилмасини такомиллаштириш.</p>	<p>1. “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибида жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатувчи Геофазовий маълумотлар инфратузилма (ГМИ) бўлимини ташкил этиш.</p> <p>2. ГМИ бўлимлари томонидан ердан фойдаланувчиларга ер ахборот тизими портали орқали интерактив хизматларни кўрсатишни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил I чорак</p> <p>2022 йил I чорак</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги</p>
4.	<p>“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти илмий ҳодимлари ва тадқиқотчиларининг ер тузиш, кадастр, геоботаника, геофазовий маълумотлар инфратузилмаси, геодезия ва картография соҳасида Олий таълим вазирлиги ва илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлигини таъминлаш.</p>	<p>Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ер тузиш йўналишидаги муаммолар ва уларни илмий ечимига қаратилган илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш учун лойиҳаларни белгиланган тартибда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш.</p> <p>Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ҳамкорликда илмий лойиҳаларни амалга ошириш.</p>	<p>2022 йил I чорак</p> <p>2022 йилдан бошлаб, доимий</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги</p>
5.	<p>Соҳа мутахассисларини маънавий рағбатлантириш.</p>	<p>“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ер тузувчи” фахрий унвонини таъсис этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p>	<p>2022 йил III чорак</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги</p>

Т/Р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
6.	<p>“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтининг худудий бўлинмаларида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида ўқув-тажриба хўжаликларини ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва доимий кузатув мониторингини олиб бориш.</p>	<p>1. Илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида ўқув-тажриба хўжаликларини ташкил этиш. 2. Қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва етиштириш. Бунда спекторли камералар билан жиҳозланган дронлардан фойдаланган ҳолда, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши бўйича доимий кузатув мониторингини амалга ошириш ва дронларда олинган суратларга ишлов бериш орқали мониторинг тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш назарда тутилади.</p>	<p>2022 йил II чорак, доимий  доимий</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари</p>

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “14” январдаги 22 -сон қарорига  
5-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида  
ер мониторинги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” 2000 йил  
23 декабрдаги 496-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Қарорга иловада:

а) 9-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича) ва Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банддаги “Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер мониторинги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа тоифадаги ерларда Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 17-банддаги “туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари” сўзлари “туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари ва Кадастр агентлиги туманлар (шаҳарлар) бўлимлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 18-банддаги “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари” ва “Ергеодезкадастр давлат кўмитасига” сўзлари тегишлича “Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича), Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари” ва “Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин.

